

БУХОРО ВА САМАРҚАНД ТАРИХИДА ФОРСЛАР МАВҚЕИ

Пиримқул Дўст МУҲАММАД

*“Antique World” Халқаро илмий академияси доктори, Ўзбекистон
Журналистлари уюшмаси аъзоси, «Олтин қалам» мукофоти соҳиби*

***Аннотация.** Ушбу мақолада форсларнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида сўз боради. Бу борадаги илмий изланишлар, тадқиқотлар, манбалар таҳлилга тортилиб, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда форс халқининг тарихий шаклланиши, яшаш шароитлари, улар олиб борган фаолият соҳалари ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** Панжоб, сафавий, шайбоний, эроний, минтақа, газават, мангит, Ўрта Осиё, Афғонистон.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена истории происхождения персов. Анализу были подвергнуты научные исследования, изыскательские работы, источники по данной тематике, освещающие историческое становление, условия жизни персидского народа, сферы их жизнедеятельности, которґе осуществлялись в таких городах, как Бухара, Самарканд.*

***Ключевые слова:** Пенджаб, Сефевиды, Шайбани, Иран, регион, газават, Мангит, Центральная Азия, Афганистан.*

Форслар ёки маҳаллий аҳоли ибораси билан айтганда, эронийлар Бухорода қадимдан эмас, балки унинг амири Шохмурод даврида, янада аниқроғи, 1785 йилдан буён истиқомат қилиб келишади. Форслар, кейин эса эронийлар номини касб этган бу элатни тожиклар, деб ҳам аташган. Бухорода уларнинг яна бир қўшимча этноними – **форслар**. Ушбу атама, яъни этнонимга Бухоро тожиклари эмас, балки форслари 1910 йилда содир бўлган шиалар қирғинидан кейин ўтишга мажбур бўлишади.

Маҳаллий эронийлар ўртасида бирмунча кенгроқ тарқалган машғулотлар асосан шойи тўқиш (шойбофи), ширинликлар тайёрлаш (канноти), зираворлар ва шифобахш гиёҳлар савдоси (аттори) ва заргарлик иши (заргари)ни ташкил этган¹.

1926 йилда амалга оширилган аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра, форслар 9 800 нафар, яъни Ўзбекистон аҳолисининг 0,2 %ини ташкил этган.

Марказий Осиё минтақаси тарихчиларининг Эрон ва Афғонистон вилоятларидан аҳолини Марказий Осиёга мажбуран кўчиришларга оид дастлабки маълумотлари XV–XVI асрларга бориб тақалади. Бу темурийларнинг феодаллар мулкларига тарқоқланиши, тўхтовсиз ўзаро жангу-жадаллар билан изоҳланадиган босқинчилик юришлари ва тажовузлари давридир.

Юқорида зикр этилган ҳудудларнинг кўчманчи ўзбекларга бўйсундирилишининг бошланиши, уларни истило этиш босиб олиш билан тавсифланади, шу жумладан, бойликларни эгаллаш, қулларга айлантириладиган асирларни қўлга тушириш айнан шу даврга тўғри келади².

Туркистонликларнинг Эрон форслари устига тажовузларини расмий оқланиши сафавийлар бошқаруви давридаги Форсияда шиаликни давлат дини сифатида эълон қилинишига бориб тақалади. Эронга ҳарбий юришлар муқаддас “ғазавотлар” – ғайридинларга, янада аниқроғи, кофирларга қарши кураш ҳисобланади.

Сафавийлар (форс. صفویان — safaviyân; озарб. صفوی‌لر - Səfəvilər) Эрон шоҳининг сулоласи бўлиб, улар сафавийлар давлатининг ҳукмдорлари бўлган. Сулола XIV асрдан эътиборан Эроннинг шимолидаги Ардабил худудини, 1501-1722 ва 1729-1736 йилларда эса бутун Эронни бошқарган.

¹ Алиева Ф. Иранцы Самарканда // Общественное мнение. Права человека. 2001. №1. (13). С. 125.

² Тохтиев Ш.Р. Краткая история самаркандских и бухарских «ираны». <https://cyberleninka.ru/article/n/kratkaya-istoriya-samarkandskih-i-buharskih-irani/viewer>

1611 йилдаёқ «кофирлар» – ғайридинларга тенглаштирилган шиаларнинг тутқунлигига Ҳиротда – суннийлар Хуросони пойтахтининг дин пешволари фатвоси билан рухсат берилади³. Мана шу фатво, яъни фотиҳа Шайбонийларга Эронга қонуний равишда ҳарбий юришлар қилиш, жуда кўплаб форсларни қул сифатида олиб кетиш имконини берди.

Шайбонийлар — Бухоро хонлигида ҳукмрон ўзбеклар сулоласи, ўрта асрдаги Мовароуннаҳр ва Жанубий Туркистоннинг мусулмон ҳукмдорлари сулоласи. Шайбонийлар шохининг асосчиси; гарчанд мазкур сулола вакилларининг бирортаси ҳам унинг авлоди бўлмаса-да, чингизий Муҳаммад Шайбоний ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш жоизки, форсийлар-эронийлар Самарқанд билан Бухорога фақатгина асир сифатида келиб қолишмаган. Форсия давлатининг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари даврида, аниқроғи, милоддан аввалги 616 йилда уларнинг кўпчилиги яна Мовароуннаҳр ерларида ўтроқлашиб қолиб кетишган.

Айнан мана шу эронийлар манғитларга 1756 йилда Бухородаги ҳокимиятни эгаллаб олишда ёрдам беришган. Манғитлар бошқаруви даврида эронийлар Бухоро саройи ва армиясида юқори мансабларни эгаллай бошлаган. Шунингдек, деҳқончилик билан банд бўлган эркин эронийлар ҳам кўпайган. Катта қисми Марв шаҳридан эканлиги боис, уларни Маври (маруи) деб аташган.

Бухоро амирлигининг маҳоратли пиёда армияси асосан эронийлардан тузилган ва улар сарбозлар, деб аталган. Сарбозлар ўқ отар қуроллар -милтиқлар билан қуролланган ва қисман рус ҳарбий асирларидан ташкил топган. Шунга қарамай, эронийларнинг салмоқли қисми қуллардан иборат бўлган. Хусусан, 1831 йилда Бухоро орқали саёҳат қилган Александр Борнс шундай ёзган: «Бухоро ҳукмдори ҳузурига ташриф буюрувчи барча шахслар одатдагидек кўпчилиги форслардан ёки уларнинг авлодларидан

³ Люшкевич Ф.Д. Этнографические особенности таджикского населения Бухарского оазиса (конец XIX – начало XX века): Автореф. дис. на соиск. учен. степ. к. и. н. / АН СССР. ИЭ. — Л., 1975. — 19 с. — Библиогр.: -с. 19.

таркиб топган куллар ҳамроҳлигида саройга йўл олади ва мутлақо ўзгачадир. Бу ерда ҳаттоки Бухоро аҳолисининг 4 дан 3 қисмининг насл-насаби куллардир»⁴.

Яна оддий эроний фуқаролар ҳам мавжуд бўлган. Бу тоифадагилар 1911 йили Самарқандда 300 нафарни ташкил этган бўлса, Сирдарёда эроний фуқаролар 2 110 нафар бўлган.

Эронийларнинг XX аср бошидаги Ўрта Осиёда яшаган аксарият кўпчилиги хонавайрон бўлган деҳқонлар, хунармандлар ва Жанубий Озарбайжон, Хуросон ва Шимоли-Шарқий Эронни пул ишлаб топиш учун тарк этган бошқа вилоятлари ишчиларини ташкил этган. Эронликлар Ўрта Осиёда юк ташувчилар, ҳовли тозаловчилар, уй хизматкорлари, заводлар, темир йўллар, қурилиш майдонлари ва нефть конлари, қишлоқ хўжалиги соҳаларида батрак бўлиб ишлашарди⁵.

Диний сабабларга кўра қувғинга учраган ва Эронни тарк этиб, Ўрта Осиёда тирикчилигини бир амаллаб ўтказаётган бобидлар - мусофир эронийлар ҳам учраб турган.

Эронийлар Ўрта Осиёда яшашининг муайян қийинчиликларидан қатъий назар, уларнинг тожик ва ўзбек халқларига қисман қўшилиб кетишига шўролар ҳокимияти имкон яратиб берган. Диний топинишларга қарши олиб борилган кураш эронилар ҳаётидан шиаликни йўқ қилишга замин яратди ва мана шу тарзда улар ўзига хослик мақомидан мосуво бўлдилар.

Панжоб мадрасаси, яна Панджоб шакли ҳам учрайди: мусулмонларнинг 1889 йилда Самарқанд шаҳридаги Фирдавсий кўчасида қад кўтарган шиа мадрасаси бўлган. Панжоб масжиди (ўзб. Panjob masjid; форс. مسجد پنجاب) нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам камдан-кам учрайдиган масжидлардан бири. *Панжоб* номи форсий тилдан олинган бўлиб, *Бешта сув ёки Бешсув* (*панж* - беш + *об* - сув) маъносини

⁴ Борнс А. Путешествие в Бухару. М., 1848-1849. -С. 393.

⁵ Матвеев А.М. Из истории иранских революционных организаций в Средней Азии: Среднеазиатский этнографический сборник; Вып. 3. — Л.: Наука, Ленинград. отд., 1963. -С.134.

беради. Мадраса шияликнинг жоме масжиди билан қўшни ҳолда туради. Ундан бир неча метр нарида, шарқда худди шу номли эрони шиалик кабрисони ҳам мавжуд.

Панжоб мадрасаси эса Самарқанд шаҳрининг шарқий ҳудудида, шунингдек, Ўрта Осиё эрониларининг йирик жамоаси истиқомат қилувчи шаҳарнинг Панжоб аталмиш тарихий-географик ҳудудида ҳамда Самарқанднинг ташқарисида, эронийлар гавжум яшайдиган марказида жойлашган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиева Ф. Иранцы Самарканде // Общественное мнение. Права человека. 2001. №1. (13). С. 125.
2. Борнс А. Путешествие в Бухару. М., 1848-1849. -С. 393.
3. Люшкевич Ф.Д. Этнографические особенности таджикского населения Бухарского оазиса (конец XIX – начало XX века): Автореф. дис. на соиск. учен. степ. к. и. н. / АН СССР. ИЭ. — Л., 1975. — 19 с. — Библиогр.: -с. 19.
4. Матвеев А.М. Из истории иранских революционных организаций в Средней Азии: Среднеазиатский этнографический сборник; Вып. 3. — Л.: Наука. Ленингр. отд., 1963. -С.134
5. Тохтиев Ш.Р. Краткая история самаркандских и бухарских «ираны». <https://cyberleninka.ru/article/n/kratkaya-istoriya-samarkandskih-i-buharskih-irani/viewer>